

XX АСРДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧЛАРИ

<https://doi.org/10.70728/conf.edu.v3.i1.058>

Турсунов Т.М.

Diplomat University, Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация. Ушбу мақолада XX асрда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари таҳлил қилинади. Асосий эътибор икки жаҳон уруши оқибатларидан кейин инсон ҳуқуқларини халқаро даражада ҳимоя қилиш заруратининг кучайишига қаратилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташкил этилиши, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қабул қилиниши, шунингдек, фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни тартибга солувчи халқаро шартномаларнинг аҳамияти очиб берилган. Шу билан бирга, минтақавий инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимлари ҳамда институционал ва мониторинг механизмларининг роли илмий жиҳатдан ёритилган.

Калит сўзлар. Инсон ҳуқуқлари, XX аср, халқаро ҳуқуқ, БМТ, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, халқаро пактлар, минтақавий механизмлар, мониторинг тизими, инсон кадр-қиммати

Кириш. XX аср глобаллашув ва геосиёсий ўзгаришлар даври сифатида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш энг муҳим глобал масалалардан бирига айланди. Бу жараёнда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг универсал халқаро механизмлари шаклланди, уларнинг асосий фаолияти инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилди.

Шунингдек, XX асрда глобал тизимда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларининг ривожланишида – миллий, минтақавий ва глобал даражадаги халқаро ташкилотлар ва шартномавий органларнинг ташкил этилиши, улар томонидан универсал даражадаги халқаро шартномаларнинг қабул қилиниши ҳамда халқаро ҳамкорликда давлатларнинг иштироки муҳим аҳамият касб этди.

Материаллар ва усуллар. Мақоланинг назарий ва методологик асоси фанлараро ёндашувга асосланади. XX асрда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларининг муҳим босқичлари бўйича замонавий олимларнинг асарларини тадқиқ этишда турли усуллардан фойдаланилди.

Натижалар. XX асрда инсон ҳуқуқлари концепциясининг ривожланиши ва халқаро шартномаларнинг шаклланиши иккинчи жаҳон урушининг дунё халқларига келтирган талофат ва оқибатлари, қолаверса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) фаолиятининг ташкил этилиши билан боғлиқ муҳим тарихий воқеа бўлди.

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) – дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ва хавфсизликни таъминлаш, давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган халқаро ташкилот бўлиб, 1945 йил 26 июнда қабул қилинган БМТ низоми ўша йили 24 октябрь санасида кучга кирган.

БМТ Уставида инсон ҳуқуқларининг асосий принциплари илк бор халқаро даражада мустаҳкамланди. Уставнинг 1-бобида “инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларнинг универсал ҳурмат қилиниши”ни илгари суриш БМТнинг асосий мақсадларидан бири сифатида белгиланган.

Шунингдек, инсон ҳуқуқлари комиссияси 1946 йилда БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ECOSOC) тарафидан инсон ҳуқуқлари комиссияси таъсис этилди. Ушбу комиссия инсон ҳуқуқлари бўйича илк халқаро ҳужжатларни ишлаб чиқиш вазифаси билан шуғулланган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 1946-1948 йилларда БМТ Инсон ҳуқуқлари комиссияси декларация лойиҳасини тайёрлади. Лойиҳа турли ҳуқуқий ва маданий анъаналарни (масалан, Ғарб ҳуқуқи, Шарқ фалсафаси) ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Комиссияда 18 мамлакатдан аъзо вакиллари иштирок этди, шу жумладан, АҚШ, Франция, Хитой, СССР ва бошқалар. Декларация 1948 йил 10 декабрда БМТ Бош ассамблеяси томонидан Парижда қабул қилинди.

Декларация 30 та моддадан иборат бўлиб, фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни камраб олади. У ҳуқуқий мажбурий кучга эга бўлмасада, аммо XX асрда инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан ортиқ халқаро шартномаларнинг шаклланиши ва қабул қилинишига асос бўлди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликда давлатларнинг иштироки XX асрда инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик давлатлар иштирокисиз амалга ошиши мумкин эмас эди. Давлатлар инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича халқаро шартномаларга қўшилиш орқали ўз зиммасига муайян ҳуқуқий мажбуриятларни олдилар. Шу билан бирга, улар миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш вазифасини ҳам бажардилар.

БМТ доирасида давлатлар фаол иштирокида турли институтлар фаолият юритди. Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия, кейинчалик Инсон ҳуқуқлари кенгаши давлатлар томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини мониторинг қилиш билан шуғулланди. Давлатлар даврий ҳисоботлар тақдим этиш орқали ўз фаолияти ҳақида халқаро жамоатчиликка ахборот бердилар.

Мунозара. БМТнинг асосий устав органлари сифатида Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС), Халқлараро Суд, ва Секретариатдан иборат бўлиб, улар БМТ Низомига мувофиқ фаолият юритади, БМТнинг асосий вазифаларини бажаради ва дунёда тинчлик, хавфсизлик, иқтисодий ҳамкорликни таъминлашга қаратилган.

Хусусан, шартномавий органлар алоҳида халқаро шартномаларга асосланган бўлиб, уларга қўшилган давлатларнинг мажбуриятларини кузатиб боради. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича 9 та йирик халқаро шартномалари мавжуд. 1948 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганидан буён БМТга барча аъзо давлатлар камида бир инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги шартномани ратификация қилган. Ҳозирда 10 та шартномавий органлар мавжуд, улар мустақил эксперт қўмиталари ҳисобланади. Уларнинг тўққизтаси БМТга аъзо давлатлар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича шартномаларнинг бажарилишини назорат қиладилар, ўнинчи шартномавий орган - Қийноқларга қарши конвенциянинг Факультатив протоколига биноан тузилган Қийноқларнинг олдини олиш бўйича қуйи қўмита Факультатив протоколга аъзо давлатлардаги қамокда сақлаш жойларини текширади.

Органлар шартноманинг қоидаларига мувофиқ тузилади, уларнинг бажарилишини назорат қилади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси шартнома органларига уларнинг иш услубларини белгиланган талабларга мувофиқлаштиришда ёрдам беради.

Хулоса. Глобал тизимда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун янги стратегиялар — халқаро ташкилотларнинг ҳамкорлигини кучайтириш, рақамли технологияларни жорий қилиш ва давлатларнинг жавобгарлигини ошириш зарурлиги учун муҳим омил ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Мусаев Д., Саттаров Д., Муминов А. Халқаро ҳуқуқ. Ўқув қўлланма. – Т.: Божхона институти, 2020 й. – 251 б.
2. Инсон ҳуқуқлари: парламент аъзолари учун қўлланма. – Ўзбекча нашр масъул муҳаррири академик А.Саидов. – Тошкент: Baktoria press, 2019. – 288 б.
3. Сайдуллаев Ш.А. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Дарслик. – Тошкент: ТДЮУ, 2018. – 220 б.